

“Касбга йўналтириш-келажакка қўйилган қадам!”

ТИҚХММИ маъruzalар залида 2019 йил 4 октябрь куни соат 10:00да “Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” факультети “Экология ва атроф мухит муҳофазаси” таълим йўналиши 3-4 курс талабалари учун “Касбга йўналтириш-соҳага оид ўзгаришлар ва ислоҳотлар” мавзусида Тошкент шаҳар Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Азизжон Калимбетов, Давлат инспектори Махмудбек Зайнутдинов, Кадрлар бўлими бошлиғи Барно Эргашева иштирокида давра сухбати бўлиб ўтди. Тадбирни институт доценти Раҳимбой Жуманиёзов олиб борди.



Давра сухбати давомида мутахассислар томонидан Экология ва атроф мухит муҳофазаси соҳасига оид сўнги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар, соҳанинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни, инсонларнинг табиатга ва атроф мухитга бўлган муносабатларининг салбий ва ечимини кутаётган муаммоларнинг мазмун-моҳиятига доир маълумотлар ва янгиликлар хусусида фикр алмашилди. Шунингдек, ёш экологларнинг касб сирасорларини қунт билан ўрганишлари, касбий билим ва кўникмаларини ошириб боришлари бўйича тавсиялар ҳамда битиравчиларни ишга жойлашиш борасида йўл-йўриқлар ва маслаҳатлар берилди. Давра сухбати қизғин савол-жавоблар ва мунозаралар асосида ўтди.

“СХТЭ ва Б” факультети декани ўринбосари Ж.Турдиев.

Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов